«Февраль воқеалари»

Шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракати нафақат республикамиз халқи, балки бутун дунё жамоатчилигининг қаҳр-ғазабини қўзғади. Минг-минглаб кишилар бу разилона воқеага ўз муносабатларини билдириб, қўпорувчилик ижрочилари ва улар ортида турган ёвуз кучларни қатъий қораламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида куни кеча «Февраль воқеалари» деб номланган китоб нашр этилди. Уни Тошкент Матбаа комбинати босмадан чиқарди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг февраль воқеалари муносабати билан билдирган фикрлари, интервьюлари китобдан кенг ўрин олган.

Китобда мудҳиш фожиа сабаблари атрофлича таҳлил этилган. «Февраль воқеалари: у кимларга керак бўлди? Ижрочилари кимлар? Ташкилотчиларичи?» мақоласи ҳам киритилган.

Шунингдек, китобдан хорижий давлатлар бошлиқлари, жамоат ва давлат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда йирик бизнесменларнинг Президентимиз номига ҳамдардлик билдириб, йўллаган мактублари жой олган.

Террорчилик ҳаракатидан кўзланган асосий мақсад — Юртбошимиз ҳаётига суиқасд қилиш, шу қабиҳ ният орқали юртимиздаги тинч, осойишта турмушни бузишга қаратилган эди.

Бу ёвузлик мамлакатимиздаги тинчлик, тотувликни кўролмаётган ақидапарастлар, қора кучлар томонидан содир этилганлигини бугун халқимиз тушуниб, англаб турибди. Мудҳиш жиноятга қўл урган кимсалар ва уларни қўллаб-қувватлаган кучларга нисбатан ўз қатъий муносабатларини билдирмоқда.

Мазкур китобда республикамиз фуқаролари, таниқли ижодкорлар, санъаткорлар, жамоат ва сиёсий ташкилотларнинг вакиллари, фахрийлар ва ёшларнинг фикрлари ўз аксини топган.

Китобда тинчликсевар, меҳнаткаш аҳил халқимизнинг



мақсади, орзу-ниятлари, хоҳиш иродаси, танлаган озодлик йўлига қатъий ишончи, ота-боболаримизнинг муқаддас динига имон-эътиқоди, уни дунё миқёсида обрўсизлантиришга, сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринаётган ғаразли кимсаларга нисбатан нафрати яна бир бор намоён бўлди.

(ЎзА)

Чуқур ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Олийларига ва ватандошларимизга етган кўнгилсизликни эшитиб, кўп мутаассир бўлдик. Сиз Жаноби Олийларига суиқасд қилган душманларингизнинг ёмон ниятларидан Оллоҳнинг иноята ила саломат қолганлигингиз билан табриклаймиз. Ҳаётдан кўз юмганларни Оллоҳ раҳмат айласин ҳамда жароҳатланган юртдошларимизнинг тез фурсатда шифои комил топишини Яратгандан сўраб қоламиз. Оллоҳ Сиз жаноби олийларига узоқ умр беришини ва дилингизда қандай яхши тилакларингиз бўлса Оллоҳнинг ўзи ўша тилакларингизга етказишини, душманларингизнинг буткул йўқолишини Жаноби Оллоҳдан тилаймиз.

Жаноби Олийларининг ҳур деб эълон қилган мустақил Ўзбекистон давлати дунё турғунча туришини, унинг байроғи абадий барқарор ҳилпирашини, Ўзбекистон халқининг мустақиллиги мангу бўлишини ва ҳеч замон нотинчлик кўрмаслигини Жаноби Оллоҳдан илтижо этамиз.

Ўзбекистон тинчлигини бузувчи, халқи ўртасига фитна солувчи бузғунчилар ҳукумат ва халқ олдида юзлари қаро, ўзлари ер билан яксон бўлсин.

Камоли эҳтиром билан,
Сафохон тўра Жалолхон ўғли МАРҒИЛОНИЙ,
Мўминжон Исмоилжон ўғли АНДИЖОНИЙ.
Саудия Арабистони Подшоҳлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент!

Мен ўтган ҳафта Тошкентда рўй берган портлашлардан — шахсан Сизнинг ва Ўзбекистон халқининг эсон-омонлигига соя ташлаган хавф-хатардан ғоят ташвишга тушдим.

Бир неча кун муқаддам халқингизнинг очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш шарафига муяссар бўлган эдим. Шу боис мамлакатингизда ўтган ҳафтада юз бергани каби ёвузона ҳаракатларни тасаввур қилиш қийин. Мен ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига ва жабрланганларга чуқур ҳамдардлигимни изҳор этаман.

Сизга маълумки, мен раҳбар бўлган «АГКО» компанияси Ўзбекистон фермерлари учун 600 дона кучли трактор, плуг етказиб бериш юзасидан шартнома имзолаган. Бугун Сизни ишонтириб айтаманки, компаниямиз сервис марказларини очиш имконига эга бўлган юртингизнинг қишлоқ хўжалиги тизимига ускуналар етказиб бериш ва техника ишлаб чиқариш борасидаги ўз сўзига содиқ қолади.

Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон иқтисодиёти ва бошқаруви доирасида эришилаётган ютуқлардан астойдил мамнунман.

Ўзбекистон Республикаси халқи Сиздек доно раҳбар йўлбошчилигида узоқ йиллар давомида мамлакатингизда муваффақиятларни қўлга киритаверишини тилайман.

Камоли эҳтиром билан,
Роберт РАТЛИФФ,
«АГКО» корпорацияси директорлари бошқарувининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган қўпорувчилик ҳаракати муносабати билан Сизга, муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноблари ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукуматига, ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига ва жабрланганларга чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этмоқчимиз.

Бундай ёвузлик натижасида жабрланганларга ачинамиз, албатта. Жаҳон XXI асрга одимлаш арафасида турган бугунги кунда зўравонлик ва қотиллик деган сўзлар мозий қаърида қолиб кетиши жоиз. Мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян янгиланишлар ва мустақил ташқи сиёсатнинг изчил олиб борилаётганлиги маҳаллий ёвуз кучлар доирасига хуш келмаётгани кўриниб турибди.

Ўзбек халқининг дард ва қайғусига Сиз билан бирга шерикмиз.

Нью-Йорк шаҳридаги Бухоро яҳудийлари жамоаси,
«Бухарско-еврейский мир» газетаси муҳарририяти кенгаши
(АҚШ).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 4 март, пайшанба • № 27 (24.422).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз.

Сизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз

Барча бола сизникидир,
Сиз — уларнинг отаси.
Улар Сизнинг дилбандингиз,
Улар юртнинг эртаси.

Опичлайсиз эркалаб,
Бош устига қўясиз.
Ўғилларин ота каби,
Қизларини суясиз.

Куну тунлар ҳолин сўраб,
Камолини ўйлайсиз.
Керак бўлса иқболин деб,
«Жонни фидо» айлайсиз.

«Болаларни берманг асло
Ўзгаларнинг қўлига».
Улғайганда тушмасинлар
Чўлпон, Фитрат ҳолига...

Сизни дея не сўзласам,
Йўқдир зарра хатоси.
Ахир Сизсиз — катта-кичик,
Мустақил юрт отаси!

Шу боисдан бошқаларга
Биз ҳам Сизни бермаймиз!
Жисмингизга қасд қилганни
Инсон дея кўрмаймиз!..

Тошкентдаги портлашларга
Бағрим сингиб, портлади.
Марҳумлару Сизни ўйлаб,
Қалбим ёниб-чатнади!

Башар халқи қалқди шу кун,
Қалқиб кетди коинот!
Неча кунки дунё аҳли
Қайғу изҳор этар бот!

Узоқлардан қучоқ очиб,
Босгим келар бағримга.
Қимматингиз буюк экан,
Бутун замин, халқимга!..

Она бўлса Ўзбекистон,
Тошкент унга юракдир.
Шу юракка тиғни санчиш
Қай сотқинга керакдир!

Улар-манқурт, улар-бўри
Падарига мушт туккан.
Улар — шайтон, юрагига
Ҳасаддан уруғ эккан!...

Шаҳидларнинг бошларида
Нола қилсак, куларлар.
Виждонини пулга сотиб,
Хоинларча ўларлар!..

Яратганга ҳар тонг деймиз:
«Юртбошимиз бор бўлсин!»
Ватан, Сизга қасд қилганлар
Қўш дунёда кўр бўлсин!

Чексиз лаънат ўшаларга,
У дунёда — жаҳаннам!
Бизники Сиз — ЮРТБОШИМИЗ,
Бермаймиз СИЗНИ ҳеч ҳам!

Ўроқ САИД,
Қашқадарё вилояти.

Шу кунларда «Тўполон» сув омбори ва ГЭСидаги бунёдкорлик ишларида Ўзбекистон сув иншоотлари қурилиши концернига қарашли «Тўполонгидрострой» трести ишчилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Асосан, 1 ва 2 агрегатлар жойлашадиган бинода монтаж ишлари бажарилмоқда.

Шу билан бирга «Тўполон» сув омбори ҳам жадаллик билан сувга тўлдирилмоқда. Сув омборининг лойиҳа-қуввати 500 миллион кубометр сувга мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача бу ерда 100 миллион кубометр обиҳаёт йиғилди.





Суратларда: 1. Агрегат асоси монтаж қилинмоқда. 2. Илғор монтажчилар бригадаси аъзолари (чапдан) Амрулло Ғафуров, Облоқул Акбаров, Алижон Жобиров, Сафарали Рўзиев ва Комилжон Асатиллаев кейинги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 3. Электр тақсимлаш участкасида монтаж ишлари давом этмоқда.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Эртанги кун пойдевори

Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизга керакли етук кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам ўзи ҳал қиладиган бўлди. Бугунги кунда тўртинчи ҳокимият деб таърифланаётган матбуот тизимлари ўз вазифасини бажараяптими, йўқми, деган масалада фикр айтилаётган экан, аввало газеталар кўз ўнгимизга келиши табиий. Журналистикамизни ривожлантириш борасида махсус қарор эълон қилинди. Ушбу қарорда таъкидланишича, журналистлар тайёрлайдиган ўқув муассасаларининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиши, мазкур мутахассисликка давлат эътибори қаратилиши муҳим масалалардан биридир.

Айниқса, ушбу ўқув муассасаларида тестдан ташқари ижодий мавзуларда синов имтиҳонлари ўтказилиши бўлажак талабанинг эртанги кунини, имкониятини белгилашда алоҳида эътиборга молик эканлиги мақтовга лойиқдир. Чунки, журналист ижодкор шахс, у ҳар қандай муносабатга ижодкорлик руҳи билан ёндашади. Халқнинг онгига, руҳига сингиши учун эл орасида мавжуд иборалар, сўзлашув оҳангларини ҳисобга олиб сўз юритади. Бироқ, у ўз масъулиятини, жавобгарлигини унутмаслиги керак. Мазкур қарор журналистни ҳушёрликка чорлайди.

Ахир юртимизда кечаётган воқеалар, ютуқлар аввало журналистнинг ҳаракати билан омма орасига ёйилади. Миллатнинг фикр-мулоҳазалари ёритилади. Шундай экан, журналист давлатнинг кўзгуси, жамиятнинг ривожини ифода этувчи куч. Бу касбга эътибор қаратиш мамлакатимиз раҳбариятининг сергаклиги, мавжуд муаммоларни тўғри англашлигидадир.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муносабат

Аждодлар хотираси муқаддас!

Ўсмирлик йилларида уруш ҳақидаги фильмларни кўрганимизда даъфатан ҳаёлимиздан «Узи ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганмикин» деган савол ўтиши табиий эди. Шу урушда қатнашиб, жанггоҳлардан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтган отамга шу саволни берганимизда раҳматли маъюс ҳолда «Урушни қўйинглар, болаларим, тинчлик-омонликка нима етсин», дейишдан нарига ўтмасди. Кейин урушда «енгилмас совет қўшинлари» тўғрисидаги фильмларни ҳам негадир кўришни хушламасди.

Вақт ҳакам, дейдилар. Бугун мустақил бўлиб, Истиқлол хотирамизни уйғотган, ақл-хушимизни жойига келтирган пайтда қайси мафкура, қайси ғояни тарғиб этиш мақсадида ўтмишда — собиқ тузум даврида бу ишлар қилинганини энди мағзига етиб бормоқдамиз. Инсон, албатта, хотираси билан тирик. Хотира — кўнгил дафтари. Уни бирма-бир варақласангиз, ҳис-туйғулар дарёсига шўнғиб кетасиз. Дарҳақиқат, хотира — муқаддас аъмол, ўтганларни хотирлаш, эъзозлаш эса савобли иш. Айниқса аждодларимизни хайрли ишларидан миннатдор бўлиб ёдга олмоқ ҳаммамиз учун ҳам фарз. Ўзи бу қадимий урф-одат халқимизнинг онгига, шуурига азалдан сингиган, олижаноб фазилатларимиздан бирига айланган.

Президентимизнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги Фармони шу жиҳатдан олиб қараганда ғоят аҳамиятли ва қадрлидир. Буюк аждодларимизнинг табаррук номларини эсга олиб эъзозлаш, Ватан ва халқ озодлиги, эрки йўлида қурбон бўлган минглаб миллат фидойиларини яхшилик билан ёд этиш, қаттол тузум даврида бешафқат зулмларни, очлик ва сургунларни, уруш пайтидаги оғир жангу-жадалларни бошдан кечирган кексаларимизни, фронт оғасида азобли меҳнат исканжасида қадди букчайган нуроний отахону онахонларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни қадрлаш устувор аҳамият касб этаётгани — миллатнинг ўзлигини тобора чуқур англаб бораётганидан, миллий қадриятларини қайта тиклаётганидан далолат. Аслида бу ҳам мустақиллик шарофатидир.

Эслаб кўрайлик, бир юз ўттиз йиллик қарамлик даврида биз мана шу эзгу аъмолимизни, олижаноб одатимизни сал бўлмаса унутаёзган эмасмидик? Вужудимиз қабул қилмайдиган, идрок этмайдиган ўзга мафкурани, мавҳум хотирани онгимизга зўрлаб сингдираётган эмасмидилар? Наинки тарихимизни, минг йиллик ўтмишимизни, балки улуғ аждодларимизни бизга қора бўёқларга чаплаб кўрсатишмаганмиди? «Босқинчи», «Феодал», «Босмачи» деган «тамға»лар не-не жасоратли бобокалонларимиз номига соя солиб турмаганмиди?

Яшириб нима қилдик, шўро ҳукумати ўз даврида «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун шундай маккорона мафкуравий тузоқларни ўйлаб топган эдики, унинг исканжасига тушиб қолган миллат ва элатлар халқ сифатидаги юзини йўқотаёзган, мавҳум «бир бутун совет халқи» бўлиб бораётган эди. Бўлмаса бобо» шунчалик кўзларимизга тўтиёмиди? Ҳа, айтаверсак, хотира дафтарини варақлайверсак «қизил мафкура»нинг қилғилиғи кўп эди.

Бироқ бир нарсани таъкидлашимиз керак: шундай мафкуравий тазйиқлар даврида ҳам халқимиз миллат сифатида ўзлигини йўқотмади — аждодларни эслаш, уларнинг хотирасини, арвоҳларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан бири сифатида сақланиб қолди. Хотира, боя айтганимиздай, руҳнинг тириклиги, энди бу тириклик ичра бутун аждодларимиз, қадим ота-боболаримиз ҳам биз билан ҳамкору ҳамнафас бўлади.

Юртбошимиз ташаббуси билан яна бир ҳосиятли иш юзага чиқмоқда. Пойтахтимиздаги Номаълум солдат қабри ўрнида Хотира майдони барпо этилмоқда. Президентимиз бу таклифни ўртага ташлаганларида бутун халқимиз, кенг жамоатчилиқ уни якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Ҳозир Хотира майдонида қурилиш ишлари авж олган. Икки юзга яқин қурувчи, ҳунарманд усталаримиз миллий меъморлик анъаналари услубида бу ерда бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Уни шу йилнинг 20 апрелигача қуриб битказиш кўзда тутилган. Демак, кўп ўтмай — 9 май Хотира ва Қадрлаш кунида минглаб юртдошларимиз ушбу муҳташам зиёратгоҳга қадам ранжида қиладилар. Энди бутунлай ўзгача қиёфа касб этган бу майдонга келган ватандошларимиз кўнглидан ҳам ўзгача ҳис-туйғулар кечиши табиий. Негаки, илгариги «Номаълум солдат қабри» одамлар онгида мавҳумийлик ҳиссини уйғотарди. Дарвоқе, бирор марта биз ўзимизга нега номаълум солдат қабри экан, дея савол берганмизми? Бу ерни зиёрат қилганимизда кўнглимиздан нималар кечган? Тасаввуримизда, хотирамизда қандай қиёфа гавдаланган? Кимларни эслаганмиз? Муштипар она урушда шаҳид кетган ўғлиними ёки ўн саккиз ёшида бева қолган келинчак жангу-жадалда қурбон бўлган паҳлавон, суюкли ёринними? Мавҳум ёдгорлик халқнинг миллий хотирасини сусайтиришга, унинг азиз ўғлонлари хотирасини унутишга хизмат қилган, энг ёмони, собиқ тузум учун мафкура қуроли, бир восита бўлган, холос.

Бўлғуси Хотира майдони эса юртбошимиз таъкидлаганларидек, шубҳасиз ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади. Бу муқаддас қадамжога келган киши, у ёшу қари бўлишидан қатъи назар, даставвал машъум урушнинг қайси жанггоҳларида бўлмасин ўз она юрти, туғилиб ўсган қишлоғи, муштипар онаси, севимли ёри, меҳрибон фарзандлари ва жигарбандларининг сиймоси доимо юрагида, ўю ҳаёлида турган, шуларни деб урушда қурбон бўлган ота-боболаримизни, юртимизнинг мард ўғлонларини эҳтиром билан ёдга олади, уларнинг хотираси олдида бош эгади, бугун соғ-омон бўлган уруш қатнашчиларига иззат-икром кўрсатади, мамлакатимиздаги тинч ва барқарор ҳаётнинг, мустақиллигимизнинг қадрига етадиган бўлади.

Бу ерга қадам ранжида қилган одам ўтмишни хотирлайди, бугун ва эртани ўйлайди. Ким эдиму ким бўлдим, шу ҳаётда нимага эришдим, халқимга, юртимга қандай фарзандлик хизматим сингди, буюк аждодларим руҳи поклари олдида виждоним тозамийўқми, хуллас, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган илоҳий ва муқаддас ҳолат ҳар бир эсли-ҳушли одамнинг вужудини қамраб олади. Марҳумларга бағишлаб тиловат қилган, уларнинг арвоҳларини яхшилик билан ёдга олган кишининг руҳи покланади. Муқаддас майдондан қалби тозариб чиқади. Мана шундай жой бўлади — Хотира майдони!

Дарҳақиқат, Фармонда Республикамизнинг барча вилоятлари марказларида ва Нукус шаҳрида ҳам Хотира майдонларини барпо этиш маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юклангани айни муддао бўлган. Очиғини айтганда, ҳаётимиз кун сайин ўзгариб бормоқда. Пойтахтни кўя туринг, вилоят марказлари ҳам обод бўлиб, янада кўркамлашмоқда.

Аммо юрт кезсангиз, айрим жойларда ҳали-ҳануз собиқ тузум рамзлари, айниқса эски мафкура қобиғидаги ғалаба ёдгорликлари қад ростлаб турганининг гувоҳи бўласиз. Бу совуқ ёдгорликлар олдига одамлар фақат бир куни бориши ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Туманлар марказларидан ташқари айрим хўжаликлар, қўрғонларда ҳам «монументал совет аскари»нинг қурол ушлаган ҳайкаллари, важоҳатли танклар ўрин олган.

Шу ўринда аниқ мисоллар келтириб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман. Ҳар қалай бундан жойлардаги маҳаллий раҳбарларимиз хулоса чиқариб олишига имконият туғилар:

Нукус шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бағишланган майдонда совет аскари қўлига автомат ушлаган ҳолда турибди. Худди шундай монументлар Беруний, Тўрткўл ва Бўстон шаҳарларида ҳам бор. Нукусдаги шоншуҳрат музейи бундан ўн йил олдин қандай бўлса, шундайлигича қолган.

Хонқа тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги ёдгорликда ҳужумга отланган қуролли совет аскарлари тасвирланган.

Оҳангарон шаҳрининг қоқ марказида катта йўл ёқасидаги қиёбонда супа устида танк турибди. У чамаси, уруш хотираси сифатида қўйилган.

Ангрен шаҳри марказидаги чорраҳада номаълум солдат ёдгорлиги бўлиб, аскар қўлида собиқ СССР байроғи, елкасида автомат, шаҳдам қадамлар билан қайгадир интилмоқда.

Бундай ёдгорликлар, эски рамзлар кимга, қайси мафкурага хизмат қилади? Кунига ишга отланганда шу ҳайкаллар ёнидан бепарво ўтамиз. Биз-ку булар эскилик қолдиқлари эканлигини тўғри тушунамиз. Лекин бугун 8-10 ёшга тўлаётган, мутлақо янги авлод бўлиб шаклланиб келаётган мустақил юртимизнинг фарзандлари буни қандай англашади?

Миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини фарзандларимиз — комрон авлод онгига ҳозирданоқ сингиришни истасак, бу масалалар ҳам маҳаллий ҳокимият, кенг жамоатчилик, маҳалла аҳли, хуллас ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиздан четда қолмаслиги керак.

Гарчи мавзудан озгина четлашган бўлсамда, аслини олганда маънавият, мафкура ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Биз энди 90-йиллардаги одамлар эмасмиз. Ҳаётга теранроқ қараш, юртбошимиз таъкидлаганларидек, халқни халқ, миллатни миллат сифатида бирлаштирадиган миллий ғоя атрофида жипслашишимиз керак. 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши ҳам халқимизни шу миллий ғоя атрофида бирлашишига, ўзлигимизни англаб, эртанги келажагимиз сари ишонч билан дадил олға боришига қаратилган эзгу ишдир.

Аслиддин ОРТИҚОВ,
журналист

Ислом КАРИМОВ: «Огоҳ бўлинг, одамлар!» —

деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак

Шоҳтомир

Одатда ҳар бир одамнинг шоҳтомири бўлади. Шоҳтомир инсон вужудидаги барча томирларга қон беради.

Элбоши, юртбоши, миллат отасини Шоҳтомирга қиёс этгулик.

Яқинда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлганимда Ўзбекистондан ўн йиллар бурун кўчиб кетган Бухоро яҳудийлари билан учрашдим. Уларнинг қорнилари тўқ, устилари бут, лекин кўнгиллари ярим эди. Бухоро яҳудийларининг аксарияти инглизча ва ивритчани билишмас, фақат ўзбек тилида гаплашишар экан.

Улар биздан Ўзбекистон ҳақида сўраб-суриштиришди. Кўзларида соғинч уммони бор эди. Бу уммон селга айланмай туриб, мен улардан бири — санъаткор ва шоирдан сўрадим:

— Ўзбекистонни шунчалик яхши кўрар экансиз, нега кетдингиз? Ёки бирор таъқиб бўлдими?

— Йўқ, Фарғона воқеаларидан кейин юрак олдириб қўйдик. Бошқа миллатлар қисувга олинса керак деб гумон қилибмиз. Агар Ислом Каримов Президент бўлишини, Ўзбекистон тинчлик марказига айланишини Бухоро яҳудийлари билишганида ҳеч қачон кетмас эдик.

Бу шу тупроқда туғилиб ўсган, Ўзбекистонни Ватан деб билган инсоннинг иқрори эди.

16 февраль куни тинчлик пойтахти Тошкент бўғзига пичоқ қадаганлар, фақат юртнинг Президенти жонигагина эмас, Ватанга суиқасд қилдилар.

Оллоҳга шукрким, ғанимлар қора ниятларига етолмадилар. Аммо ўнлаб бегуноҳ жонлар шаҳид кетдилар. Беҳудага тўкилган қон учун айбдор жавоб бериши шарт.

Хоҳ у диндор бўлсин, хоҳ у динсиз бўлсин, миллионлаб одамларнинг қарғиши омон қўймас.

Ўша куни бу мудҳиш жиноят ҳақида Ўзбекистон телевидениеси жаҳонга маълум қилди. Президент Ислом Каримов телеэкран орқали «Янгиликлар»да дарҳол воқеага муносабат билдирдилар. У кишининг кўзларида ташқарига отилишга шай уммон бор эди. Миллионлаб юртдошлари олдида Президент тўлиқиб, аммо ўзларини босиқ, хотиржам тутдилар.

Мен Юртбошимизни икки марта шундай ҳолатда кўрганман.

Биринчи марта 1991 йил 31 август куни. Унда у кишининг кўзларида севинч тўла ички бир вулқон бор эди.

Иккинчи марта 1999 йил 16 февраль куни. Яна ўша кўзлар. Аммо унда қайғу тўла бир исён бор эди.

Миллат шоҳтомирини кесмоқчи бўлганлар янглишадилар. Шоҳтомир миллионлаб томирларга туташирб кетган.

Миллатнинг шоҳтомири улуғ Йўлбошчимиз бўлса, мен, сен, у, биз, ҳаммамиз Ватаннинг жонтомирларимиз.

Тўй қилсак, шу Ватанда қиламиз, бўй чўзсак шу Ватанда улғаямиз.

Тўрт мучангда юртинг ҳаққи бор,
Гар йиқилсанг, тошлар беозор.
Томирингда қонлар бахтиёр,
Шоҳ бўл, қул бўл, ўз юртингда бўл.
Ай ўлсанг ўл, Ватанингда ўл.

Қад тикладинг тоғларга қараб,
Гул ҳидладинг боғларга қараб,
Яйловларнинг сочин қўй тараб,
Сенга муштоқ бугун ўнгу сўл,
Ай ўлсанг ўл, Ватанингда ўл.

Йўргакланган оппоқ далалар,
Кўкрак тутган сенга аллалар.
Кучоқ очди йўллар, қалъалар,
Тойиб кетсанг, дарё бўлган ҳўл.
Ай ўлсанг ўл, Ватанингда ўл.

Осмон, осмон турар жойида,
Камалакнинг ранг бор ёйида,
Нафас ростла қўшиқ пойида,
Бир терида юз озгил, минг тўл,
Ай ўлсанг ўл, Ватанингда ўл.

Тўра МИРЗО

Бу йўлда тойишлар бўлмайди

«Қани энди, бу ҳаётда яшаган ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини шундай англаса, қадр-қимматини ерга урадиганлар билан курашишга ҳар доим тайёр бўлса!» — дейилади «Февраль воқеалари» мақоласида. Ўз қадр-қимматини билмаган нокаслар Ватан, миллат, тинчлик каби тушунчаларнинг қадрини билармиди! Улар йўлдан тойган гумроҳлардир.

Республикамиз Президентининг воқеа рўй берган жойда бўлиб, жонли экран орқали айтган сўзлари бизга қайтадан руҳ бахш этди. Жамоамиз ортиқча ваҳимага берилмасдан, бу ёвуз ҳаракатга ўз муносабатини билдирди. Ҳа, бу ҳаракат халқимиз танлаган истиқлол ва улуғворлик йўлига, одил сиёсатга, унинг ташаббускори ва йўлбошчиси Ислом Каримов ҳаётига қаратилганини биз яхши англаймиз.

Биз биламизки, тинчликсевар халқимиз юртбошига келадиган ғовларни тўсиб, аҳолининг фаровон турмушини таъминлайдиган, истиқболи учун жонини ҳам аямайдиган одамни ҳеч қачон ёлғиз қолдирмайди. Биз Президентимиз атрофида янада мустаҳкамроқ жипслашамиз. Амин бўлдикки, ҳушёрлик — ҳар қандай фалокатнинг олдини олади. Биз энди янада ҳушёрроқ бўламиз. Бу икки минг киши меҳнат қиладиган жамоамизнинг қатъий фикридир.

Шавкат БЎРИЕВ,
Хатирчи туман марказий шифохонаси бош шифокори

Ҳушёр бўлайлик

Гўзал ва обод, тинч шаҳримиздаги мудҳиш тажовузкорлик ҳаммамизнинг қалбимизни ларзага солди.

Ғанимлар юртбошимизга суиқасд қилиб, аҳил халқимиз орасига низо, разолат солмоқчи бўлдилар. Президентимизни Оллоҳ ўзи асради. У кишининг савоб амаллари, юртимиз учун қилаётган улкан ишлари учун бутун халқимиз дуо қилади.

Биз воқеа юз берган куни бутун маҳаллани йиғиб, ушбу қўпорувчилик ҳаракатига ўз муносабатимизни билдирдик. Маҳаллада муҳим ишларни олиб боришимиз, болаларимиз тарбиясига эътибор беришимиз зарурлигини алоҳида тушунтирдик. Маҳалламиздаги мачит имом хатиби ушбу воқеа туфайли бегуноҳ қурбон бўлганлар руҳига Қуръон тиловат қилди.

Ушбу воқеа барчамизни ҳушёрликка чақиради. Огоҳ бўлинг, одамлар. Мустақиллигимизни, Президентимизни кўз қорачиғидек асрайлик!

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,
Темур МУЛЛАЖОНОВ,
Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов маҳалласи

Қабоҳат

16 февраль воқеалари мени икки муносабатда ларзага солди. Биринчиси — мамлакат раҳбарининг, оддий инсон сифатидаги, тақдири. Иккинчиси — қабиҳ кучларнинг ўз ғаразли мақсадларига эришганликлари ҳолида халқимиз бошига тушиши муқаррар бўлган эҳтимолий кулфатлар. Ахир, халқ қонуний сайлаб қўйган юртбоши жонига суиқасд қилишдан қайтмайдиган кимсалар оддий фуқаролар бошига не мушкулотларни солишлари мумкин...

16 февраль фожиасидан,уни қайси қора кучлар томонидан ва қандай мақсадларни кўзлаб ташкил этилганлигидан қатъий назар, битта нарса аниқ: ишга солинган разил усул мақсаднинг ҳам худди шундайлигидан яққол далолат бериб турибди. Ҳолбуки, улуғвор мақсадларга фақат ва фақат олийжаноб йўллар, воситалар орқали эришилади. Бегуноҳ кишининг беҳудага томган бир томчи қонига бутун оламнинг арзимаслиги аллақачон англанган умуминсоний қадриятдир.

«Февраль воқеалари» мақоласини ўқиб, қуйидагиларни хаёлимдан ўтказдим. Разил «раҳнамоларимиз» ўз хоҳиш-истакларини кимга мажбуран тиқиштирмоқчилар? Ҳатто, ислом динига одамларни мажбуран киритиш Қуръони Каримда ножоиз иш дейилганини ва, айни пайтда, кишиларнинг диний эътиқодлари устидан назорат ҳуқуқи Пайғамбарга ҳам берилмаганлигини, наҳотки, улар тушунмайдилар. Дарвоқе, Оллоҳнинг Каломи ақли бор кишиларга юборилган-да... Ватанимизга, халқимизга раҳнамолик қилишга даъво этаётганларнинг ниятлари битта — нима қилиб бўлса ҳам давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ва ундан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиш. Раҳбарлик лавозими — ислом динида ҳам, дунёвий меъёрлар доирасида ҳам фақат одамларга яхшилик қилиш учун берилади. Ёвуз, беақл кишилар бунга қодир эмаслар. Улардан фақат битта нарсани кутиш мумкин — қулфатни. Шу боис, балки, муқаддас Ҳадисларда айтилганидек, агар бирон-бир кишининг ўзи юқори мансабга интилса, Оллоҳ раҳбарликнинг барча ташвишларини унинг ўзига ташлаб қўяди. Мабодо, кимки, ўзи истамаган ҳолда, мансабга беихтиёр қўйилса, Парвардигор унга фариштасини ёрдамга юборар экан.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мамлакат раҳбарлигига ушбу лавозимни ҳамма ҳам ҳавас қилмайдиган, юртимиз «ўз ёғида ўзи қовурилаётган», бир пайтда келди (балки, шу боис 16 февралда Худо уни асради), Ватанимизни мустақилликка, унинг мазкур негизда ривожланишнинг масъулиятли, тақдиршумул йўлига олиб чиқди, юртимизни дунёга маълум ва машҳур қилди.

Бу ўринда, айрим хорижий доиралар томонидан мухолифат ниқобидаги бузғунчилар «тегирмонига сув қуйилишини» фақат кишининг энсасини қотираётган ҳол эканлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Зеро, фақат ижтимоий барқарорлик — барча яратувчилик ишларининг бирдан бир, муқобилсиз ибтидоси, шарти ва, айни пайтда, интиҳоси ҳамдир. Қабоҳат балоси йўлига қўйилиши мумкин бўлган ғов — жамиятимизнинг олға ривожини таъминлашда. Нодонлик илдизларини қирқиш ва маънавиятни юксалтиришнинг аҳамияти, бу ўринда, шубҳасиз, устуворлик мавқеига эга.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
фалсафа фанлари доктори

Ёшлар тарбиясига даъват

16 февраль куни Тошкент шаҳрида бўлган мудҳиш воқеалар андижонликлар қалбида ёвуз кимсаларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотди. Андижон вилоят ҳокимлигида унга бағишланган йиғилиш бўлди. Вилоят ҳокими Қобилжон Обидов ҳар бир маҳаллада ёшларимизни ҳар хил ақидапарастлик кайфиятидаги кишилар таъсиридан сақлаш, уларни ватанимизнинг ҳақиқий фидойилари қилиб тарбиялаш юзасидан юртбошимиз берган йўл-йўриқларни ҳар бир фуқарога етказиш долзарб вазифа эканини таъкидлади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўз ҳудудларидаги масжидлар жамоаси билан олиб борадиган тарбиявий ишларини тубдан яхшилашлари, масжидларда тегишли назорат олиб боришлари зарурлиги уқтирилди. Ўқув юртларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари савиясини кўтариш, ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини юксалтириш, уларни маънавий баркамол, иймон-эътиқодини мустаҳкам қилиб тарбиялашда ҳокимликлар, барча давлат ва жамоа ташкилотлари масъул эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда бу йил вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мадад учун юз минг сўм

«Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли 16 февралда пойтахтда рўй берган мудҳиш воқеалардан жабр кўрганларнинг оилаларига 100 минг сўм миқдорида пул ажратишга аҳд қилишди.

— Ҳар биримиз ўз иш жойимизда фидокорона меҳнат қилиб, 1998 йилга нисбатан ишлаб чиқариш суръатини 120 фоизга кўтаришга эришамиз. Қўшимча 100 та иш жойи тайёрлаб, ёшларга тикувчилик ҳунарини ўргатамиз, — дейишди шу муносабат билан бўлиб ўтган мажлис иштирокчилари.

Юнус ЗИЁДОВ

Президентнинг одамлари

Қорақалпоғистонлик ёшлар — Беруний туманидаги 5-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Нодира Давлатмуродова, шу тумандаги 32-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Санжар Бекимбетов, элликқалъалик Машҳура Шариповалар мамлакатимиз раҳбарини туғилган куни билан табриклаб, ўзларининг дил сўзларини битиб йўллаган табрикномаларига жавоб хати ва совғалар олишди.



XXI аср ўзбек ёшлари

Ҳамма ўзбекники каби хонадони ўғил-қиз, невара-чевараларнинг қий-чувига тўлган оиланинг кенжа фарзанди Машҳура Президентга табрикнома ёзди. Элликқалъа туманининг Сарибий қишлоғидаги 8-мактабнинг 2-синфида ўқийдиган бу қизалоқ юртбошига хат ёзиш учун қоғоз-қалам олганида хаёлидан нелар ўтган экан? Бу ҳақда Машҳуранинг ўзидан эшитгим келди.

— Туғилган кунинг яқин кишиларинг учун байрам. Энг яқин кишиларингизни туғилган куни билан табрикламайсизми, ахир? — деди Машҳура. Бола баландпарвоз гапларни ёмон кўради. У юрагидаги гапни айтади-қўяди.

«Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман! Доимо соғ-саломат бўлинг, омон бўлинг Ислом ота!» — деб ёзган экан Машҳура.

Мен Машҳура билан 16 февраль воқеаларидан кейин учрашдим. Бу мудҳиш воқеалар қизалоқни бефарқ қолдирмабди, шеър ёзибди.

Кўкда юлдуздек чақнасин
Ўзбекистон — тинчлик қўрғони.
Бахтимизга омон бўлинг
Юртим посбони.

— Президентимизнинг йўлида бомба портлатганлар — ёмон одамлар. Лекин, Президентимизнинг одамлари жуда кўп, у енгиб чиқаверади.

Машҳуранинг тушунтиришича, Ўзбекистонни севган, унинг гуллаб-яшнаши учун жон куйдирадиган ҳар бир киши — Президентнинг одами. Мана масалан, ўқитувчилари Ҳурмат опа, мактаб директори Аҳмад ака, отаси — Тўрткўлдаги 115-автокорхона муҳандиси Қамариддин ака, онаси Ойимжон опа. Ҳатто бобоси Самандар ота билан момоси Жумагул эна ҳам. Чунки, улар фотиҳага қўл очганларида, энг аввало айтадиган тилаклари: «Юрт тинч бўлсин, юртбоши омон бўлсин...»

— Сен ўзинг-чи? — сўрайман Машҳурадан.

— Мен шунинг учун яхши ўқишга ҳаракат қиляпман. Президентимиз тиришқоқ болаларни яхши кўрадилар...

Машҳура бутун қишлоққа кўрсатиб чиққани — Ислом Каримовдан келган жавоб хатни менга ҳам узатади ва аллақачон ёд бўлиб кетган сўзларни бийрон-бийрон такрорлай бошлайди:

«Азиз Машҳура қизим!

Менга йўллаган табригингда билдирган самимий ҳурмат ва эҳтиромнинг учун чексиз миннатдорман.

Чин қалбимдан сенга, оила аъзоларингга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, омонлик тилаб қоламан...»

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Йўлбошчимиз — фахримиз

Тошкент шаҳрида юз берган қўпорувчилик, амалга оширилган қабиҳ жиноят, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлган тажовуздан ғоят таъсирландим, қалбим нафратга тўлди, юрагим ларзага тушди.

Маълумки, ҳали собиқ Иттифоқ яшаш учун жон олиб, жон бераётган чоғдаёқ бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган эди. Мана шундай оғир шароитда халқимизни тўғри йўлдан дадил бошлайдиган йўлбошчи сув ва ҳаводай зарур эди ва бу тарихий масъулиятли вазифани юртпарвар Ислом Каримов ўз зиммасига олди. Собиқ иттифоқ барҳам топмасдан аввалроқ мамлакатимизда Президентлик лавозимини жорий этилиши ҳам Ислом Каримовнинг чексиз жасоратидан далолат беради.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг раҳбарлигида жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар доирасида қилинаётган ниҳоятда кенг кўламли ишларнинг ташаббускори айнан Республика раҳбари экани унга нисбатан ҳурмат-эътиборимизни ошириши табиийдир.

Республикамизнинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида бир неча йиллардан бери ҳилпирамоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа қайта қуриш ва тикланиш банки каби қатор нуфузли халқаро, шунингдек, минтақавий иқтисодий ташкилотларга Ўзбекистоннинг қабул қилингани иқтисодий-ижтимоий равнақимизнинг кафолатидир. Ана шуларнинг бари юртимиз ва унинг Йўлбошчиси Ислом Каримов билан фахрланиш туйғусини уйғотади.

Республика аҳолисининг аксариятини ёшлар, болалар ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритилиши оқилона тутилаётган йўл эканлигига амин бўламиз.

Президентимизга хос бўлган кечиримлилик фазилатлари юртимизга, давлатимиз раҳбари ҳаётига қора қузғунлар чанг солмоқчи бўлган кунларда яна бир марта намоён бўлди. Турли мазҳабдаги диний экстремистик оқимлар, ақидапарастларнинг Тошкент шаҳрида амалга оширган қўпорувчилик хатти-ҳаракатларидан сўнг сўзга чиққан Ислом Каримов фақат ўзигагина хос бўлган вазминлик билан ўтган йили Наманганда давлатга, тузум, ички ва ташқи сиёсатга энг асосийси унинг халққа қарши қилинган қабиҳ жиноятлари учун қўлга олинган бир гуруҳ ваҳҳобийлардан шу йўлга янглишиб кириб қолганларини кечириш, уларни озодликка чиқариш мумкинлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Ана сизга «Оллоҳ кечиримлиларни хуш кўради» деган ҳадисга хос «Мен халқим учун жонимни беришга ҳам тайёрман. Аммо, нима қиласан бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб?» дея хитоб қилдиларки, бундай мард юртбошимиз билан ҳар куни, ҳар соат, ҳар сония фахрлансак арзийди.

Қудратилла РАФИҚОВ,
Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати

«Шуларни ҳам она туққанми?»

1999 йил 16 февраль куни мустақил Ватанимизнинг мустаҳкамлигига зарба етказиш мақсадида бир неча ватан хоинлари ёвузлик қилдилар. Уларнинг кимлигини яқинда матбуотда эълон қилинган «Февраль воқеалари» мақоласи орқали билиб олдик. Шу йигит ва қизларни ҳам она туққан, вояга етказганми?. Она, бу қандай бахт, қандай улуғ ном! Нега энди онадан туғилиб, ўсган бизнинг орамизда юрган, мактабларда ўқиб, билим олган Ўзбекистонимизнинг фарзандлари шу жирканч жиноятни содир этдилар? Нега?

Уларнинг оналари ким? Нега вақтни бой бердилар, нега огоҳ бўлмадилар? Ахир фарзанд ёшлигидан ҳар бир хатти-ҳаракатини онасига сездиради. Она боласи касал бўлса қарайди, оч бўлса қорнини тўйғизади, энгил бошини тузатади, тарбия беради ва ҳоказо. Нега энди, шу кимсаларнинг оналари фарзандларининг юриш-туришлари ўзгарганлигини сезмаганлар? Нега касалликнинг олдини ўз вақтида олмаганлар? Ахир, бу ҳам касаллик. Инсон қаери оғриса дарров тузатиш учун шифокорга мурожаат қилади, дори-дармон ичади, тезда соғайишга ҳаракат қилади. Боланинг касаллигини энг биринчи она аниқлайди, ундаги ўзгаришларни ҳам она сезади. Нега энди улғая бошлаганда ўзгарган, бемеҳр, бепарво бўлиб қолган болаларни оналар сезмаганлар. Ахир улар ойлаб уйларида бўлмаган, бошқа шаҳар, давлатларда юрганларида она қалби титрамаганми, безовта бўлмаганми? Президентимиз ачиниб бу бизнинг фарзандларимиз, бу фарзандларни бошқаларга бериб қўймаймиз деганларида оналар ўз-ўзига шу саволни бердиларми? Оилада битта одам касал бўлса, бутун оила аъзолари ташвишда. Республикамизда бўлиб ўтган жирканч хоинлик ҳаммамизни ташвишга солди. Фарзандингизни ўз вақтида қучоғингизга олинг, уни бировлар етаклаб кетмасин демоқчиман. Не хасратда туғиб, авайлаб ўстириб, энди ўзингизга керакли вақтида, оғирингизни енгил қиладиган даврда уларни бошқалар «фарзанд» қилиб, ҳаётидан, ор-номусидан, инсонийлик туйғуларидан маҳрум бўлиш даражасида тарбиялашига йўл қўйманг. Сизнинг умидингиз, ворисингиз, ўринбосарингиз, эл нафратига, одамлар қарғишига учрамасин. Ахир эшитгандирсиз, инсонлар ўз сўзларида бу жиноятчиларни ўлса ер қабул қилмасин, демак онаси бориб фотиҳа, Қуръон тиловат қилиш учун шу фарзанднинг жасадини топмасин, деган қарғишлар айтишди. Она учун бундан оғир жазо борми?!

Қанча қийинчиликлар билан тарбиялаган боламизни роҳатини кўриш ҳар биримизга насиб этсин. Оллоҳдан фарзанд доғини, унинг ташвишини кўрмасликни тилайман.

О. КАРИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Бундайларга сафимизда ўрин йўқ!

Яккасарой туман ҳокимлиги катта мажлислар залига тўпланганларнинг «Февраль воқеалари» мақоласини ўрганиш асосида 16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган қўпорувчилик ҳаракатига нисбатан қаҳр-ғазабларини сўз билан ифодалаш қийин. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Латиф Ғуломов, Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик олийгоҳи ректори Ҳалима Алимова, Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳақназаров, «Ракат» маҳалласи масжиди имом ҳатиби Абдуллаҳожи дин ниқобидаги айрим чаласавод муллаларнинг юритаётган ишлари ёшларимизни тўғри йўлдан чалғитаётганини, ёшларга айниқса ўқув юртлари, маҳаллаларда эътиборни кучайтириш зарурлигини тилга олдилар.

Йиғилиш аҳли қатъий қарорга келди. Ёвуз, жоҳил, инсонийлик хислатларини йўқотган кимсаларга бизнинг қаторимизда жой йўқ!

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгашининг котиби

Элчи талабалар меҳмони

Яқинда Австриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Хайдемария Гюрер хоним билан Ўзбек Давлат Жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг учрашуви бўлди. Учрашувда университет ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Жамолиддин Бўронов меҳмонга олий ўқув юртида немис тили ва адабиёти бўйича юқори савияли таржимонлар тайёрлашда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Ўзаро ҳамкорликда дарсликлар, қўлланмалар тайёрлаш, Австрия ва Ўзбекистон адиблари хрестоматиялари, антологиялари тайёрлаш бўйича таклифларни элчи хоним мамнуният билан қабул қилди. Ўз навбатида у Ўзбек ва Австрия университетлари ўртасида талаба ва ўқувчилар айирбошлаш, ҳамкорликда илмий анжуманлар уюштириш ишларида маънавий ва моддий кўмак беришга ваъда берди.

Шундан сўнг Австрия шарқшунослик жамиятининг (Ҳаммер-Пургстан жамиятининг) Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича ахборот бўлими бошлиғи жаноб Штефан Бухмайер Австрия ва Туркистон тарихий-маданий алоқалари мавзусида маъруза қилди.

Муҳими бундай маърузалар талаба ва ўқитувчиларга иш ва ўқув жараёнларида катта имконият эшикларини очмоқда.

Комилжон ҚИЁМОВ, талаба.

ХДП ҳаётидан

Иш ўрганишди

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ўтказган навбатдаги семинар-кенгашда Янгиариқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг ишлари намуна қилиб олинди. «Қўриқтом» қишлоғи клубининг безатилиши, қишлоқдаги О. Маткаримов номли ўрта мактабдаги « Маънавият ва маърифат » маркази, маънавият-маърифат ўчоқлари бевосита хўжалик партия ташкилотининг иштирокида амалга оширилди.

Семинар-кенгашда қатнашган шаҳар ва туманлар партия ташкилотлари етакчилари жойларда йўлбошчимиз белгилаб берган вазифаларни кенг халқ оммасига тўла етказиш, кўҳна маънавиятимизни тарғиб қилиш, истиқлол ўзгаришларини кўрсатиш борасида қилиниши зарур бўлган ишларни самарали, мазмунли ташкил қилиш юзасидан иш ўргандилар, фикр алмашдилар.

Семинар-кенгаш сўнггида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати F. Машарипов партияга янги қабул қилинган қишлоқ ёшларидан бир гуруҳига партия билетларини топширди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Лаббай»чилик – тараққиётнинг кушандаси

Мулоҳаза

Ўша йили совуқ эрта тушди. Бригада пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган, лекин ҳануз пахта терими давом этарди. Совуқ урган кўсакларни териб, уни асфальтда тепкилаб чувиб олардик. Буни кимга ва нимага кераклигини билолмай ҳайрон эдим. Худди шу пайтда, амалдорлардан бири келар экан деган гаплар тарқалди. Лекин биз хотиржам эдик. Чунки унинг қайси бригадага бориши аввалдан маълум бўларди. Йўллар супурилиб-сидирилиб, барча чоралар кўриларди.

Бироқ келган бошлиқ:

— Қаерга борамиз, — деб сўрамай — нечта пахтачилик бригадангиз бор? — деб сўрабди.

— Ўн бешта, — деб жавоб беради раис.

— Ўн бешнинг ярми — етти ярим, бизни еттинчи бригадага бошланг!

— У ерга машинада бориб бўлмайди, — дея баҳона қилади раис.

— Йўл бор жойгача машинада, қолганига пиёда борамиз. Йўл бошланг!

Ноилож еттинчи бригадага қараб жўнашади...

Бу пайтда биз тушлик қилаётган эдик.

Қоп-қора, зулукдек машина бригада шийпонига бурилганини биринчи бўлиб ҳисобчи Тўравой ака кўрди.

— Ўлдик энди, — дейди ҳисобчи, ҳамма ўзини пахтазорга урди.

Бирдан олатасир бошланди. Ким чойни ағдарган, ким овқат тўла косани тепиб юборган. Барча одам, теримчилару звенавойлар пахта даласига қараб югурди.

Одамзот азроилдан ҳам бунчалик қўрқмаган бўлса керак.

— Бу бригадир, — деди Ҳусан Ҳайитовга қараб, — Республика пахта планини бажармай туриб кўсакларни ерга узилиб тушишига йўл қўйган. У партиянинг, халқнинг душмани.

Ҳусанбой Ҳайитов икки йил олдин бригадир бўлиб тайинланганди, колхоздаги олий маълумотли агрономлардан. Биринчи йили омади келдими ё деҳқончиликни яхши билгани учунми ҳосилдорлик 45 центнерга етиб, бригада катта пул ютуғи, бепул «Урал» мотоцикл билан мукофотланди.

Лекин ўша куни бу гапларни ҳеч ким эсламади.

Бу кўсаклар совуқ урганидан кейин шамолда тўкилган деган гапни биров айтмади, айтолмади.

У пайтларда инсоннинг битта кўсакчалик қадри йўқ эди.

Мана энди Ватанимиз мустақилликка эришди. Қидирган саволларимизга жавоб топдик. Лекин ҳануз қўли остидагиларнинг лаббай, деб қўл қовуштириб туришини истайдиган раҳбарлар йўқ эмас.

Яқинда ўзим билган бир раиснинг ишдан олинганини эшитдим.

Бу одам халқпарвар, тўғрисўз, мустақил фикрга эгалигини билардим.

Президентимиз фидойи деган сўзни кўп бор тилга оладилар. Бунинг боиси, фидойи одамларнинг лафзи ҳалол бўлади, сўзи билан иши бир бўлади, ўзини Ватанига, халқига хизмат қилишга чоғлаган инсонлар элу юртнинг бахти. Туман ҳокимига хўжалик раҳбарининг гап қайтаргани ёқмагани табиий.

Лекин мулоҳаза қилиб кўрилса, фикрга қарши фикр билдириш учун одамда нимадир бўлиши керак. Ўзининг ишини билган одамнинггина тили узун бўлади.

Аввалари Московни фақат натижа қизиқтирган.

Халқнинг турмуш даржаси, аҳволи билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган.

Энди эса ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Чунки халқимиз бой бўлса, давлатимиз қудратли бўлишини улар тушунадилар.

Чуқурроқ ўйласак, ёлғончилик, қўшиб ёзиш деган нарсалар — лаббайчиликдан келиб чиқмайдими? Чунки хўжалик раҳбарлари бошлиқни хотиржам қилиб жўнатворib, ваъдасини эсдан чиқаради. Икки оёқ бир этикка тиқилгач, нажот изланади.

Баъзида уч-тўртта ҳамтовоқ-амалдорларнинг бўлари бўлиб, ёрилиб ўламан дейди. Баъзида эса меҳнаткаш кишилар ёвғон ош билан тирикчилик қилади.

Бари хунобгарчиликнинг бошланиши раҳбарнинг ҳузур-ҳаловатга ружу қўйганида. Хўп бўладини еб бўлганида эди...

Халқимизда бунёдкорлик қудрати бор. Меҳнаткашлиги, бардошлилиги, яратувчанлик куч-қудрати мужассам. Ҳоким зўр бўлса ана шу сўнмас булоқни очади, ундан эзгу мақсадда фойдаланади. Қаердаки халқ қийналиб яшаётган бўлса, туман ҳокими айбдор. Демак, ўша ерда лаббайчилик, лаганбардорлик ҳукмрон. Демак ўша ҳоким замон талаблари даражасида ишлай олмаяпти!

Абдураҳмон ЖЎРА

Акция ҳам — сармоя

Акциялар ҳам сармоя, ҳам тадбиркорлар маблағини кўпайтириш манбаидир. Аммо ҳамма ташкилот ёки корхонанинг чиқарган қимматбаҳо қоғози ҳам харидор тополмаётгани рост. Бозор талабларига Қашқадарё вилоятидаги «Мелиоқурилиш» акциядорлик жамияти акциялари тўла жавоб бермоқда. Республика фонд биржасида жамиятнинг қиймати 1000 сўмдан бўлган 7140 дона акцияси яна 50 сўм қимматига сотилди. Бу 7 миллион 780,5 минг сўмга тенгдир. Демак, мазкур қурилиш ташкилоти ўз фаолиятини кучайтириш баробарида, акциялари қадрини ҳам ошираверади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳовли тўйлари

Жиззах шаҳри марказидаги «Халқобод» маҳалласида 12 хонадонга мўлжалланган янги уй қуриб фойдаланишга топширилди. Янги уйга эга бўлган Зулхумор Мўминжонованинг оила аъзоларининг қувончи чексиз.

— «Ўзуйжамғармабанк» Жиззах вилоят бўлими Жиззах шаҳри аҳолисини уй-жой билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди банк бошлиғи Фарҳод Бозоров. —Банкимиз ўз фаолиятини бошлагандан буён 52 та юридик ва жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш учун турли муддатга 13 миллион 56 минг сўм кредит берди. Банк ташкил этилгандан бери 64 та оила уй-жой эгаси бўлди.

«Ўзуйжамғармабанк» Жиззах бўлими «Ёшлик» ва «Кўтарма» маҳаллаларида ҳам янги уйларни жиззахликларга армуғон этди.

Абдусаттор СОДИҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Халқаро почта алмашуви амалда

Тошкент темирйўл почтамти «Халқаро почтамт» акциядорлик жамиятига айлантирилганига ҳам 6 йилдан ошди. Бу ерда почтани саралаш, жаҳондаги барча мамлакатлар билан халқаро почта алмашувини таъминлаш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Жамият 1994 йилдан бошлаб Жаҳон почта иттифоқининг аъзоси ҳам. Ҳозирги кунда «Халқаро почтамт» акциядорлик жамияти жаҳоннинг 114 мамлакати билан почта айрибош қилмоқда. Бу эса ўзбекистонликлар учун ҳам, хорижликлар учун ҳам халқаро фикрлашув имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Умматали ТЎРАХОНОВ

«Галла — Алтеғ»

очиқ акционерлик жамияти жамоаси

юртимизда яшайдиган барча хотин-қизларни баҳор ва бахт таронаси — 8 март билан қизғин ва самимий қутлайди!

Бугунги кунда Ўзбекистон аёллари наинки оила бекаси, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисидир. Улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мардонавор меҳнат қилишмоқда.

Хотин-қизларни байрам билан табриклар эканмиз, уларни Аёллар йилида ва ундан кейин ҳам бахт-саодат, омад тарк этмасин!

Тепса-тебранмасликнинг сабаби нимада?

Қашқадарё вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази 1983 йилдан буён Қарши шаҳрининг Олмазор кўчасида жойлашган, тахминан 40-йилларнинг сўнггида ҳашар йўли билан бунёд этилган Йўлдош Охунбобоев номли эски мактаб биносида фаолият кўрсатиб келмоқда. Афсуски, бу ерда иш куни минг таҳлика остида ўтади. Чунки бино авария ҳолатида-да. Янги бино эса...

Дарвоқе, унинг қурилиши 1992 йил апрелдан бошланди. Айни пайтда 250 ўринга мўлжалланган ушбу марказ қурилишининг биринчи қавати тикланган. Лекин... Мана, неча йилдирки, қурилиш ишлари ора йўлда. Ачинарлиси шуки, марказ ходимларининг айтишларича, ўтган йили март ойи кунларидан бирида ходимларни аттестациядан ўтказаётган бир пайтда эски бинонинг қарийб тўрт метрча келадиган қисми йиқилиб тушган. Энди бундай вазиятда ишлашни ўзингиз кўз олдингизга келтираверинг.

Ваҳоланки, бу ердаги нохуш ҳолатлар хусусида мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилиш билан бирга вилоят ёшларининг «Камолот» ҳамда «Халқ сўзи» газеталарида танқидий мақолалар босилган. Лекин шундан кейин ҳам ўзгариш бўлмади. Бу каби тепса-тебранмасликнинг сабаби нимада экан?

Суратда: марказнинг ҳозирда фаолият кўрсатаётган эски биноси ва ярим-ёрти қурилиш.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар

Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси 15 ва 22 март кунлари навбатдаги

КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдога қуйидагилар қўйилмоқда:

Бўка шаҳрида жойлашган 57-сонли АЁҚШ 6000 квадрат метр ер майдони билан. **Бошланғич баҳоси — 8456000 сўм.**

Савдо 15 март куни соат 10.00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтказилади.

Паркент тумани «Қорақалпоқ» колхозидаги 20 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони 400 кв. метр, **бошланғич нархи — 16240 сўм.**

Паркент тумани «Чанги» жамоа хўжалигидаги 24 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони 400 кв. метр, **бошланғич нархи — 16242 сўм.**

Паркент тумани «Гулбоғ» марказий қўрғонидаги 16 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони 600 кв. метр, **бошланғич нархи — 24460 сўм.**

Пискент туманидаги А.Дўстбеков жамоа хўжалигидаги 3 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони 600 кв. метр, **бошланғич нархи — 52200 сўм.**

Пискент тумани А. Дўстбеков жамоа хўжалигидаги 4 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони 400 кв. метр, **бошланғич нархи — 34800 сўм.**

Оҳангарон шаҳридаги 5-проезд Янгилик кўчасидаги битта ер майдони. Ер майдонининг сатҳи 457 кв. метр, **бошланғич нархи — 46386 сўм.**

Кимошди савдоси Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимлигининг биносида 22 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-272) 22-851, Тошкентда 133-49-31, 133-77-18

Озодаликка нима етсин

Бугуннинг мулоҳазалари

Ҳар кунгидагидек бомдод намозига турдим. Ташқарида шундай ажойиб ҳаво. Қушларнинг сайраши кайфиятингизни бир кўтарса, радио орқали эшитилаётган яхши куй-қўшиқлар баҳри-дилингни яна яйратиб юборади. Тоза ҳаво — танга даво, деб шунга айтсалар керакда.

Шундай кайфият билан яна қуёшни кутиб олдим. Одатдагидай энди ишга шошиламан. Тонг ҳадя этган кўтаринкиликдан қадамлар ҳам парвозга ўхшайди. Гўё учиб бораётгандай. Мана, автобус бекатига ҳам етиб келдим. Ўриндиққа ўтириб автобусни кута бошлайман. Шу пайт кўчани супуриб-сидирадиган келинчагу опахонлар келиб қолишди. Улардан бири негадир у ер-бу ерни чала-чулпа чангитиб супурган бўлдию, кетиб қолди. Ҳайрон бўлдим. Ё тавба. Нега бундай қилдийкин?

Шу пайт бошқа биттаси мен ўтирган ўриндиқ томонни ҳам супура бошлайди. Беихтиёр кузатаман. Назаримда у тозалаш билан эмас, тўзитиш билан шуғулланаётгандай эди. Ахлатларни ариқларнинг чеккачеккасига супуриб ташлади. Буям етмагандай, ўтирадиган ўриндиқлар устига оёқларидаги лой калиш билан чиқиб эълонлар, рекламалар ёпиштирилган қоғозларни йиртди. «Супуриш»нинг буниси ҳам шу тахлит якунланди. Гўё, ҳаммаёқни «қойиллатди».

Мен эслайман, аввалари шу соҳада ишлайдиган аёллар бу юмушни эрта саҳарда, кўчада ҳеч ким йўқлигида, бемалол, шошмасдан бажаришарди. Соат 8-9 ларда аллақачон атроф тоза, озода бўларди.

Агар бугун ҳам шундай бўлганда эди, эрталабки кайфиятим билан ишга етиб олган, ишимизда ҳам барака бўлган бўларди. Афсус...

Ўриндиқларни бирор эски латта билан артиб қўйиш ўрнига лой, чанг қилиб кетишгандан кейин... Ҳайронман, қачон ўз ишимизни виждонан бажаришга ўрганамиз? Қачонгача ўзимизнинг кимларгадир озор етказаётганимизни англамай яшаймиз?

Қачонгача чанг ютиб, лой, ифлос жойларга ўтириб автобусларни кутишимиз керак? Қачон шу жойларга махсус ахлат ташийдиган яшиклар қўйишаркин? Умуман, бу соҳанинг мутасаддилари борми ўзи?

Ёқутхон ХОЛМУҲАММЕДОВА

«Тошвилоятавтотеххизмат»

очиқ турдаги акционерлик жамияти жамоаси

Мунис онахонларимизни, гул-гул яшнаётган хотин-қизларни баҳор байрами билан қизғин муборакбод этади!

Азал-азалдан аёллар баҳор, яшнашу яшариш фаслининг гўзал рамзи бўлиб келади. Бу йилги хотин-қизлар куни байрамининг ўзига хос хусусияти шундаки, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинган. Тинчлик, барқарорлик, хотиржамликни ўзида мужассамлаштирган аёлларимиз жамиятда муносиб ўрин эгаллайдилар. Шу боис ҳам юртимизда яшайдиган барча хотин-қизларни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, барча хонадонларга осойишталик ва тўкин-сочинлик тилаймиз!

«Комсар»

очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ ГЎЗАЛЛИК, ШОДЛИК ВА ҚУВОНЧ БАЙРАМИ — 8 МАРТ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

Бу йилги баҳор ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват билан бошланди, кўклам эрта келгани боис бодом ҳам, ўрик ҳам эрта гуллади. Иссиқхоналардаги анвойи гулларни айтмайсизми?

1999 йил юртбошимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилингани байрамга ўзгача шукуҳ бахш этганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, аёллари бахтли элнинг ўзи ҳам бахтиёрдир.

Биз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган барча онахонлару опа-сингилларни байрам билан табриклар эканмиз, юртимиздаги ҳамма хонадонлар обод, ораста, тўкин-сочин, фаровон бўлишига тилакдошмиз.

Дастурхонингиздан қут-барака аримасин, азиз Аёллар!

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Виктория» кичик корхонаси банкротликка учраганлиги сабабли кредиторларнинг йиғилиши 1999 йил 5 мартда Мирзо Улуғбек солиқ инспекцияси идораси 212-хонасида ўтказилади.
Телефон: 162-17-82.

Тошкент шаҳар Бектемир туманида жойлашган «Вилоятсаноатфуқарокурилиш» трестига қарашли 20-кўчма механизациялашган колоннага тегишли бўлган Бош ҳисоблаш маркази томонидан 1995 йил 18 октябрда берилган рўйхатдан ўтиш рақами 4744, ОКОНХ 61110 сонли, ОКПО 15301368 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Бинокор — Натижа» аудиторлик фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 133-36-94 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент Кимё-технология институти раҳбарияти ҳамда Фундаментал фанлар факультети жамоаси «Амалий механика» кафедраси доценти К. Х. Қаландаровга акаси **Имомхон ҚАЛАНДАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон қўмитаси хузуридаги «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашманинг бош директори ўринбосари Учқун Мухторович Идрисходжаевга онаси
БУОЙША аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси жамоаси пахтачилик саноатининг фахрийси
Ўткир УБАЙДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.360 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0177

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА